



МЕА, БАХТ-ИМБОГАГА ХАМРОЗ БЎАГАН НАВРЎЗМИ! МЕА, ИСТИҚЛОАГАГА ХАМРОХ БЎАГАН НАВРЎЗМИ!



Куч—адолатда



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 2000 йил, 21 март, № 10 (245) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

ЯНГИ КҮН, ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК!



берилади. Шаҳар ва қишлоқларда мазорлар, тарихий-маданий ёдгорликлар, дов-даракларга эътибор берилади. Уй кутарилиб, хонадонлар покланади ва ҳоказолар. Хурмат-эътиборли қарияларнинг яхши ният билан дон сеип беришлари ниҳоятда жозибали. Бу кунлардаги қилинадиган меҳнат кишиларга кутаринки руҳ, яхши кайфият бағишлайди. Ёшларга ибрат бўлади.

Иккинчи қисм уйин-кулги, спорт мусобақаларидан ташкил топади. Лола сайли, аскиябозлар гурунги, полвонлар беллашуви ва дарбозлар, қизқичилар томошалари, лапар, ашула ва рақс конкурслари, тез айтиш ва топишмоқ уйнаш, оловдан сакраш, улоқ, от пойғаси ва бошқа халқ иходиётининг намуналари Наврўзга хусн бағишлайди, байрам қатнаш-

чиларига эстетик ҳузур беради. Халим, сумалак Наврўзнинг гўлтожидир. Ҳайтбаҳш қўқлам таомларини тайёрлаш жараёни, қозон бошида «сеҳрарлик» қилаётган отахонлар (халимда), онахонлар (сумалакда) ва бошқа ёш-яланлар, туни билан мижжа қўқмай қиққан сипо «халимчи»ларнинг сирли ҳаракатлари, «сумалак»чиларнинг уйин-кулги, лапарлари, айтишувлари — буларни сўз билан таърифлаш қийин. Бундай эзгулик қатнашчиларининг диллари ҳам, ички қиёфалари ҳам покланади, руҳлари енгил тортади. Ана шунинг учун бўлса керак, Наврўз байрами кунлари қадимдан то шу пайтгача бирорта жиноят содир бўлмаган... Аксинча урушқили одамлар ярашмишган, гина-қудуратлар унут бўлган, инсон меҳри тобланган. Бу кунларда ҳатто давлатлар орасидаги урушлар ҳам тўхтатилган.

Қишдан кейинги илк узилди пайтидаги икки тула витаминдан иборат бир пивёла сумалагу ичи қўшқ халимнинг, кўк сомсаю чучваранинг берадиган ҳайтбаҳш кучини таърифлаш бўлармикан!

Наврўз нима учун айнан 21 мартда нишонланади? Янги йил байрами ҳисобланганининг сабаби нимада, деган саволлар туғилиши табиий.

Григорян тақвимидаги 1 январда бошланадиган Янги йил билан НАВРЎЗ ЯНГИ йилни солиштириб қурсак, биринчиси шартли равишда, декрет орқали нишонланганининг гувоҳи бўламиз. Ҳақиқатан 1 январь қиш фаслининг уртаси, табиат уйқуда, унда ҳеч қандай узғариш йўқ.

Дунёда март, апрель, май ойларини шартли равишда баҳор фасли деб аташ қабул қилинган. Бироқ табиат қонунига қура бу фасл Ернинг Шимолий ярим шарида баҳориге кеча билан кундуз тенг келган ёзи қуёш турғулигига, яъни кундузи энг узок, кечаси энг қисқа бўлган кунгача давом этади. Бу 20-21 мартдан 21-22 июнгача бўлган фурсатдир. Нақл қилишларича, баҳорнинг уша биринчи кунда ер остида ётган илонлар ҳам бир ағдарилиб олар эмиш. Бу, чиндан табиатнинг, Она Ер бағридаги жами жонзотнинг, қурт-қумурсқалар ва ўт-ўланларнинг уйғониш, жонлиниш давридир. Шунга кўра Марказий Осиё ва Шарқ халқларининг талай қисми 21 мартни қадимдан НАВРЎЗ (Янги кун — Янги йил) деб байрам қиладилар.

Наврўзнинг Янги йил сифатида, Янги йилнинг биринчи кун сифатида нишонланганида табиат қонунларига, фалакит қонунларига амал қилинган.

Наврўз тантаналари доимо деҳқончилик, ҳунармандчилик, санъат ва жисмоний баркамолликнинг ҳам узига хос намоёиши бўлиб келган. Халқ сайилларида ҳунармандлар узлари ясаган ажойиб ашёларини, пазандалар ширинлик ва анвойи таомларини, полвон ва чавандозлар куч-қувват ва маҳоратини, фақонликларини намоёиш этганлар, қизлар ва келинчақлар Наврўз тантаналарига атаб махсус либослар, кашта ва румолчалар тикканлар, уларга гул нақшларини туширганлар.

Қизқич ва дорбозлар, сўз усталари, шоир ва бахшилар, аскиячилар, қўғирқобозлар, раққосаю хофизлар сайл аҳлининг кўнглини ҳушнуд этганлар.

Она табиат кўйидаги утказилмаган ёру биродарлар, қаришдош-уруғлар, оила аъзолари тантаналари, одамларни бир-бирига меҳр-оқибатини кучайтирган улар қалбини янада пок, дилларини чарогон қилган.

Наврўз — бу Шарқ мамлакатларининг кўпчилигию, мусулмон дунёсида Янги куннинг, яъни Янги йилнинг бошлангичи демекдир. Бу — янги олам, баҳорий оламнинг биринчи Мустақил бошланиши демекдир. Бу — Табиатнинг яна бир, яъни бир йилга туғилиши, яъни — жону жонзотнинг қуёшга интилиши — демекки, тирилиши, уйғониши, дадиллик ила истиқболи демекдир.

Наврўз — бу Шодлик, Тинчлик, Ҳамкорлик, Мустақилликнинг қалдирғочи, баҳорий элчисиридир. Бу — улуглиниш, Инсоний эъзозлаш ҳамда Инсоннинг умрига умр қушиш, очигини айтганда, бир йилга яшатириш демекдир.

Наврўзи олам ҳозирги кунда ҳам у тароватини, нафис жозибасини йўқотгани йўқ. Аксинча, Наврўз янги замонавий маросим, расм-русумлар билан бойиб, тобора гуллашгани, халқимизни янада кўпроқ ҳушнуд этиши учун ҳужумхуриятимизда эркин, шунга мос вазият вужудга келмоқда. Бу мустақиллик, демократиянинг мевадидири!

ОМОН БЎЛСИН ЭЛУ ЮРТ, ОМОН

(Манзума)

Водийларни яёв кезганда
Бир ажиб ҳис бор энди манда...

Кўриб бунда Наврўз жамолин,
Балоғатга етган камолин,
Бошларимдан учиб кетар хуш,
Кўрганларим гўёки бир туш,
Афсонадек гўзал бу бўстон.
Наврўз билан яна гулистон.
Қорлар қочиб тоғнинг бошига,
Ерлар қочиб унинг «ёши»га,
Чаман билан бурканиб ватан,
Шодликларга тўлди ҳар бир тан.
Наврўз билан келади шодлик,
Наврўз билан элда ободлик.
Наврўз келса гуллабди боғлар.
Наврўз келса яшнайди тоғлар.

Наврўз келса дарахтларда гул,
Наврўз келса гул очади чўл,
Наврўз келса ариқларда сув,
Наврўз келса далада сурув.
Наврўз келса тилда ашула,
Ғам дилига тушар гулгула,
Наврўз келса ҳамма ёру дўст,
Унутилар барча каму кўст.
Наврўз келса суманбар малак.
Икки қўллаб тутар сумалак.
Неъматларга тўла дастурхон,
Кўз олади унда ҳар хил нон.
Кўёш каби иситар дилини,
Мақтовига сўзларат тилак,
Кўк сомсадан қувонади кўз.
Чучварага тополмасан сўз.
Кўкатлардан қилинги алвон,

Неъматларни қиллолма баён.
Бир томонда найнинг навоси,
Бир томонда қарнай садоси,
Бир томонда янграб чирманда,
Овозига қилади банди.
Бир томонда рубобнинг сози,
Бир томонда ҳофиз овози.
Юрагингни қилади кўп шод,
Наврўз билан ғамларинг барбод.
Бахтимизга Наврўз бор бўлсин,
Катта-кичик бахтиёр бўлсин.
Омон бўлсин элу юрт, омон,
Омон бўлсин тургунча замон!

Маҳмуд ҲАСАНИЙ.

* Бу байт Ҳамид Олимжондан.



Наврўз тантаналари мустақиллигимиз боис ҳар йили эър шодиёналар билан нишонланмоқда. У ҳар бир шаҳару қишлоққа ўзгача файзу тароват қашф этапти. Одамларнинг қалбига меҳру муҳаббат, илиқлик солмоқда. Қалбларни қалбларга, дилларни дилларга яқинлаштирапти. Республикаимиз пойтахтидаги Алишер Навоий номидаги йилда ҳамюртларимиз ҳар йили қизқичлар байрам дастурларининг шохиди бўлмоқдалар. СУРАТДА: қўриб турганингиздек, Наврўз айёмига таниқли санъаткору хонандалар, раққосалар, моҳир сўз усталари бу йил ҳам алоҳида кўрк бағишлайдилар.

ЯНГИ САЙЛГОҲ

«Қарши савдо деҳқон бозори» очиқ ҳиссадорлик жамияти жомаси ўтган йили сотувчилар ва харидорларга қулай шaroит яратиш, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш эъазига 1 миллион 618 минг сўм соф фойда олган эди. Айни пайтда унинг асосий қисми жамият аъзоларига дивидент сифатида тарқатилляпти.

Кейинги йилларда шаҳар аҳолисининг сони осиб бораётгани ҳисобга олиниб, деҳқон бозорини кенгайтириш чоралари ҳам қўрилмоқда. Шу мақсадда айни пайтда усти ётиқ бозор қурилиши жалал олиб бориляпти. Ҳозиргача бу ерда 16 миллион сумлик қурилиш-таъмирлаш ишлари адо этилди. Бу ишлар туғаллангач, ҳозирги 800 та савдо растасига яна 250 та

Комил САҲАТОВ.

АЙЁМ МУБОРАК!


Белгия Қироллигининг Ўзбекистондаги Фахрий Консули жаноб Жан Клод Божан Наврўзи олам арафасида бу ажойиб байрам билан халқимизни табриклар экан, ўзининг энг яхши тилак ва истакларини билдириб: «Туркистон-пресс» мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Белгия билан Ўзбекистон уртасида биринчилардан бўлиб расмий мусобақалардан ўзини танитди. Марказий Осиё худудиде алоҳида урин эгалловчи мамлакат — Ўзбекистон ҳақида гап кўтганда, белгияликлар, авваламбор, Буюк Ипақ йўли, тарихий обидалар билан машхур бўлган Самарқанд ва Бухорони тушунадилар. Шу боисдан, Ўзбекистон билан туризм соҳасида ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Қўллаб белгияликлар Ўзбекистонга сайхат қилиш истагини билдирмоқдалар. Икки мамлакат уртасидаги иқтисодий ҳамкорликка ҳам катта қизиқиш билан қарамолда. Ҳозирги кунда бизнинг қўллаб компания ва фирмаларимиз республикаимизда фаолият олиб бормоқдалар.

Алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида кредитлар очганимиз. Ушбу кредит йўналишлари Ўзбекистонда фаолият олиб бормоқчи бўлган фирма ва компанияларга берилади. Ўзбекистонда қадимий ва қадрият байрамимиз ҳисобланган Наврўз деҳқончилик ишлари бошлангичи билан боғлиқ бўлганлиги, деҳқончилик эса Ўзбекистонда муҳим соҳалардан ҳисоблангани учун қадриятдир. Байрам кунлари тайёрланган таом махсус таом — сумалак монга жуда ёқди. Каминга бу гаройиб байрамимиз бу йил ҳам узбек халқи билан бирга нишонлаш шарафига муассар бўлганидан хурсандман. Халқимизга чин дилдан фаровонлик ва оқсыйшталлик тилаб қоламан, — деди консул жаноблари пировардида.



• Сунгги чорак аср мобайнида биринчи марта АҚШ Президентининг Ҳиндистонга сафари бошланади.
• 27 март кун Ироқда парламент сайлови бўлиб ўтади. Унда 10 миллион ироқлик иштирок этиши кутилмоқда.
• Вашингтон яқинида Фаластин — Исроил ўртасида тинчлик музокаралари бошланади.
• Белгия ташқи ишлар вазири Луи Машель Африка бўйлаб олти кунлик сафарини Конго Демократик Республикасининг пойтахти Киншасадан бошлади.
• Халқаро валюта жағнамаси Аргентинага 7.2 миллиард АҚШ доллари микдорида уч йил муддатга қарз берди.
• Москвага Эдуард Шеварднадзе ҳаётига суикдаб қилишда иштирок этишда тахмин қилинаётган Салмон Радуевни сўроқ қилиш учун Грузия Бош прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича терговчиси келди.
• Япониянинг учта йирик банки бирлашишни режалаштираётгани ҳақида маълум қилди.
• Россиянинг оқ ташуачи кемаси Фин кўрфазидида Мальта денгиз кемаси билан тўқнашиб кетди. Қурбонлар йўқ.
• ИСЛОМОБОД. Покистоннинг собиқ Бош вазири Навоз Шариф устидан суд жараёни давом этмоқда. Айбловчи томон судланувчига олий жазо беришни сўради. У террорини қўллаб-қувватлаш ва коррупцияда айбланган эди.
• Айбловчи томоннинг талаби икки кун ичида қўриб чиқилди. Суд ҳулосасидан кейин ҳимоячиларга айбланувчини оқлаш учун уч кун берилади.
• БЕРЛИН. Германия Христиан-демократлар партиясининг ноқонуний пуллари унинг аъзоларига сайловолди курашларида катта устуликка эришиш имконини берган. Бундестаг вакили шун маълум қилар экан, собиқ канцлер Хелмут Колнинг партиясига жазо берилгани беҳиз эмаслигини яна бир бор таъкидлади.
• Утган ойда Германия парламенти ушбу партияга 41 миллион марка микдорида жарима солган эди. Канцлерлик йилларида ўзи раҳбарлик қилаётган партия газасига катта пуллар келиб тушгани, лекин молиявий ҳужжатларда қайд этилмагани боис ҳозир Хелмут Колнинг обрўйига анча путур етган.
• ЛОНДОН. Шу кунларда Буюк Британияда Германиянинг «БМВ» автомобилсозлик компаниясига қарши катта норозилик намоёишлари бошлангани мумкин. Инглизлар компаниянинг «оқибатни ўйламай иш юритганидан» норози. Гап шундаки, «БМВ» анча вақтдан буюн зарарга ишлаб келаётган «Ровер» компаниясини фаолиятини тўхтатиб қўйди. Шундан кейин «БМВ» нинг Буюк Британиядаги бу корхонасида ишлаётган қанчадан қанча одам ишсиз қолди. Касаба уюшмалари ва парламент аъзолари мамлакат халқини «БМВ» нинг ҳеч қандай маҳсулотини харид қилмасликка қаҳирмоқда.



• Бангкок кўчаларидан бири.

Азиз юртдошлар!
Мухтарам партиядошлар!
Партияимизнинг қадрили барча хайрихоҳларни!

Жонажон улкамизга мана яна Наврўзи олам кириб келди. Табиат яна кўм-кўк либосга бурканилди. Ариқларда шалдараб зилол суларак оқа бошлади. Юзларга майин баҳор шабадаси урилди. Деҳқонлар ўз юмушлари билан банд. Ҳар бир қалбада, ҳар бир дилда Наврўзи олам нашидаси. Унинг шуқуҳи дилларимизга, қалбларимизга бир олам



«АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА, ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИГА, БАРЧА ХАЙРИХОҲЛАРИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

қувонч бағишляпти. Бу қувончнинг юртимизда руй бераётган мислсиз узғаришлар билан уйғунлашиб кетгани айниқса, фархлидир.

Наврўз — халқимизнинг энг суюкли, энг ардоқли байрамидир. Қўпнинг йиллик тарихга эга бу мўтабар айём мустақиллигимиз боис янада қадр топиб, ҳамма жойда, шаҳару қишлоқда, умумхалқ байрамимиз сифатида кенг

нишонланмоқда. Яъни, не-не асрлардан буюн авлоддан-авлодга, аждоддан-аждодга утиб келаётган Наврўзнинг бетақор шодиёналари бугунги кунда сизу биз билан юртимизни гузаликка, яратишга, яшнатишга руҳлантирапти. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси юртбошимиз томонидан қўйилган барча ҳаётий вазифаларни қизгин амалга ошириб, юртимизни гуллаб-яшлатишга, соғлом ав-

лодни камол топтиришга, маънавий қадриятларимизни улуглашга, аҳолининг ҳуқуқий онгини устиришга, ислохотларни юзага қилишга ўз ҳиссасини қўшади, бу борда бор куч-ғайратини аямайди.

Ўзбекистон халқининг бу ажойиб ва бетақор байрами арафасида биз ҳаммаларингизни, бутун Ўзбекистон аҳолисини, партияимизнинг барча хайрихоҳларини Наврўзи олам, Янги кун, янги йил билан чин дилдан муборакбод этамиз. Ислохотларни қизгин амалга оширишда улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Наврўз байрамимизга муборак бўлсин азиз юртдошлар!

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЙ КЕНГАШИ.



ЕР-ДОН, ДЕҲҚОН-ХАЗИНАБОН

деҳқончиликнинг ҳамма турида ҳосил етиштирилади. Йилнинг тўрт фаслида ҳам дастурхонларимизни тукин, хонадонларимизни обод қилишда фирма жамоасининг хизмати бекиёс.

Биз яқинда фирманинг 1-булими бободеҳқонлари хузурида бўлдик. Бригада етакчиси Товушат Абдиев ҳамда кўпгина оилавий пудратчи деҳқонлар бизни илқ қарши олишди. Дала бошдаёқ улар билан суҳбатимиз кўр олди.

— 30 йилдан бунён сохибдорман, — дейди Мурод ота Зиев деҳқонга хос самийлик билан. — Президентимизга раҳмат. Биз деҳқонларга ишлашимиз учун катта имкониятлар яратаяптилар. Мана биргина узимдан қиёс. Биз оиламиз билан тоқсонлар парваршишни яхши ташкил этиб, қанча кўр ҳосил олсак шунга яраша даромадимиз ҳам кўнгилдагидек бўлаяпти. Меҳнатнинг роҳатини кураёламан.

Биз оила пудрати асосида ишлаймиз, — дейди яна бир суҳбатдошимиз Бобоқул Алиқовлов. Сохибдор оиламизда ҳаммамизнинг ўз урни бор. Эрта баҳордан токи парвариллаш, хомтоқ қилиш, шакл бериш, зарарқонда ва касалликлардан асраш учун кеча-ю кундуз парвона бўламиз. Оллоҳга шукри, меҳнатимиз зое кетмапти. Утган йили 4 гектар ердаги тоқсондан режадаги 120 унрига 160 центнердан ҳосил олдик. Давлатга 64 тонна ширин-шакар узум сотдик. Даромадимиз аввалги йилдагидан икки баравар ошди.

Хужалик ташкил топганидан бери меҳнат ахли кўр раҳбарларни куришдик. Бирок ҳозирги раҳбар Зариф Бурхоновдек халқпарвар, тadbиркор, узукни уйлаб иш юритадиганларини эслаша оламиди. Утган йили 233 гектар ерга галла, 51 гектарга сабзавот, 10 гектарга картошка ва бошқа экинлар экилди.

Давлатга йил якунида эса 5 минг 400 тонна узум, 105 тонна картошка, 970 тонна галла, 850 тонна сабзавот ва бошқа қишлоқ хужалик маҳсулотлари сотилди. Биргина узумдан гектар ҳисобига олганда республикада энг юқори натижага эришилди. Деҳқончиликдан 10,4 миллион 516 минг сум соф фойда олинди. Утган йилнинг уздаёқ олинган фойда ҳисобидан 35 миллион 200 минг сумга 9 янги теҳника сотиб олинди. Бу эса айниқса дала деҳқонларини мушкуллани осон қилди.

Раис Зариф Бурхонов фирмани иқтисодий тараққиёт йулига олиб чиқаришда, одамларнинг эртанги кунда ишончини уйғота олди. Албатта,

халқ ҳам унинг бошчилигида катта бунёдкорлик, яратувчилик ишларини олиб борапти. Зариф Бурхонов раҳбар бўлиб келгандан сунг фирмада 460 унрили янги мактаб биноси барпо этилди. Туман марказидаги унинг ох қурилиб ишга туширилди. Биргина утган йили хужалик ҳисобидан 8 миллион сумлик газ қувурларини тортилиб, 350 дан ортиқ хонадон табиий газдан баҳраманд бўлди. Бундан ташқари, қишлоқларда 10 та теғирмон, 1 та савдо дукони, 8 та маиший хизмат кўрсатувчи бевосита Зариф аканинг сабаб-ҳаракатлари билан ишга туширилди. Бу ерда аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш чорлари ҳам қуриляпти. Фирма хузуридаги узумни қайта ишлаш заводида ҳозир 50 киши иш билан таъминланган. Утган йили бу ерда 181 миллион сумлик янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 43 миллион сум соф фойда олинди. Бундан ташқари шу йил охиригача яна 5 та шундай кичик қайта ишлаш цехларини очиб чоралари қуриляпти. Бунинг эвазига 250 нафар қишлоқ фуқаролари иш билан таъминланади.

Дарҳақиқат «Йилнинг оstonасидек деҳқончиликнинг кутлуг ва баракали қадамини пайкаб олиш мумкин» дейди доно деҳқонларимиз. Нафсилаларини айтганда, баҳор бу йил кутлуг келапти. Фирма деҳқонлари унинг ҳар бир кунини йилга татишни яхши билишади. Шунинг учун ҳам замин унмудорлигини охиригача кўр маҳсулот етиштириш билан мустақил мамлакатимиз халқи фаровонлигини таъминлаш йулида астойдил ишлайшапти.

Комил САХАТОВ.

САХОВАТНИНГ КЎЧАЛАРИ ОЙДИНДИР

Ўзбекистонда қадимдан ўсимлик ёғи кунжут, зигир, масхар, полиз экинлари уруғидан, пахта чигитидан жувозларда ажратиб олинган. Ҳозирга келиб эса мамлакатимизда йиллик қуввати уч миллион тонна ҳам ашёни қайта ишлайдиган ўн тўққизта корхона фаолият кўрсатмоқда. Аҳолини ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондиришда, қорвачиликни озуқа билан кўпроқ таъминлашда «Андижонёғмой» ҳиссадорлик жамиятининг зўига хос муносиб ўрни бор.

Корхона кечаю кундуз ўч сменада узлуксиз ишлайди. Ҳиссадорлик жамиятида бўлсангиз, қайноқ меҳнат жаҳасини кураисиз. Шарқона услубда қурилган катта дарвозадан кирсангиз саранжом-саршисалик, интизом ва ободончилик сизни қувонтиради.

Маҳсулот тайёрлаш ишлари кутилганидан ҳам зиёда бўлаётти. Жорий йилнинг январь-февраль ойининг узда 2 минг 287 тонна тоза-ланган ўсимлик ёғи, 1225 тонна хужалик соғун ишлаб чиқарилиб, Белгиланган режа лар ортиги билан адо этилди. У н д а н ташқари қорвачиликни ри-вожлантириш учун кунжара ва шилуҳа ҳам ишлаб чиқарилиб истеъмолчиларга берилаяпти.

Технологик жараянларни жаҳоннинг илгор андозалари даражасига яқинлаштириш, асбоб-ускуналарга муносабатни яхшилаб, узимники деб қараб уларнинг умрини узайтириш, ишчи-хизматчилар орасида меҳнат интизомини кучайтириш, электр энергиясидан тежаб-тегаб фойдаланиш даромад миқёсларини кескин қўпайтириш, — дейди корхона бош муҳандиси Бахтиёржон Мадалбеков. — Ҳозирги кунда Ўзбекистон-Бельгия-Америка қўшма корхонаси фаолият кўрсатаяпти. Қўшма корхонада бир литр сизимли идишларга сифатли тоза-ланган пахта ёғи қалоклашиб истеъмолчиларга етказиб бериляпти. Бу эса албатта маҳсулотларимизнинг харидорлигини оширади.

Корхонага қираверишда янги гузар ташкил қилинган ани мудола. Гузарда ишчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида озиқ-овқат магазини, дорихона, газета-журналлар киоскиси, гушт дукони ва сартарошхона қурилиб битказилди. У ерда маҳалла фуқаролар

йиғини ва участка инспекторига хоналар ажратилди. Миллий услубда, юксак дид билан қурилган гузар корхона чиройига маржондек ярашиб турибди. Бу гузар Наврузи олам байрамига соғаб бўлади.

Ўртоқчимизнинг савоб ишчи ҳар ким ҳар кун киши керак, деган пурқикмат сузларининг тағида олам-олам маъно бор. Дарҳақиқат,

«Андижонёғмой» ҳиссадорлик жамияти Ўзбекистон халқини «Наврўзи» олам-баҳор байрами билан чин қалбдан қутлайди. Ўзбекистоннинг муборак заминда яшовчи ҳар бир хонадонга тинчлик ва хотиржамлик тилайди.

раҳм-шафқат инсонларнинг энг ахши фазилатидан биридир. Оғиз ва нотаваон одамларга ёрдам қилини чўзганлар нон эҳтиром билан тилга олинади. Абдувоҳид ака Сотволдиев меҳр-мурувватли, яхшиликка интилувчан ва адолатли инсон. Қаттиқ интизомни ҳушлайдиган, ўз соҳасининг билимдон раҳбари. Қўпчиликнинг қувонч ва шилуҳа ҳам ишлаб чиқарилиб истеъмолчиларга берилаяпти.

Корхона касабка қўмитаси раисининг таъкидлашича, ҳиссадорлик жамиятида муҳтожларга ёрдам кўрсатилиб, мушкуллани осон қилиш аънаанага айланиб қолган. Қанча-қанча одамларнинг дардига малҳам бўлаётган экан, бундай хайроли ишни қиларамиз. Бу йил олти нафар болага корхона ҳисобидан сунат туйи ўтказиш режалаштирилди.

Корхонани муътадил ишлатиш таъминлаш, ёғ ишлаб чиқаришни қўпайтириш, аҳолига сифатли ва экологик жиҳатдан тоза ҳамда арзон маҳсулотлар етказиб бериш мақсадида тинмай ишланилаётти. Интилганнинг толеи банд бўлаверсин.

Дилмурод КИРГИЗБОВ, «Адолат»нинг махсус муҳбири.

БОЗОРИ БОЙ ЮРТ БАДАВЛАТ БЎЛАДИ

Буюк ипак йўлининг қарвонлари ҳозирги Каттакўрғон шаҳри ҳудудидан ўтган. Азал-азалдан бу жойларда бозорлар қурилиб, савдо-сотик кенг ривожлантирилган. Натижада эл-улуснинг турмуш даражаси яхшилланган. Истиқлол шарофати билан туманда бозорлар янада кўпайди.

Президентимизнинг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан сунг юрти-миздаги мавжуд бозорларни таъмирлаш, кен-гайтириш, янги, замонавийларни қуришга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, Каттакўрғон туман бозори ҳам қайта таъмирланди. Харидорларга хизмат кўрсатиш яхшиланди. Натижада бозордан тушадиган кунлик тушум кескин ошди.

Қувончи томони шундаки, бозор маъмурияти уз маҳсулотини олиб келган сотувчи деҳқонларга қулай шароит яратиб беришга ҳаракат қилаяпти. Бозор — қошидаги меҳмонхона ва ошхоналар мажмуи ишидан қўпчилик мамнун.

Каттакўрғон узининг ширинликлари, нонлари, қалқалари билан нафақат Самарқанд вилоятида, балки бутун республикада машҳур бўлиб келган, — дейди Каттакўрғон туман деҳқон бозори

бошқаруви раиси Худойёр Рузиев. — Бозорда тadbиркорларга кенг шароит яратганимиз тўғрисида ҳам уларнинг иши юряпти. Молиявий аҳолининг унглиниб бориши сабабли бозорни кен-гайтириш, шароитни яхшилаш имкониятлари ҳам тўғилди. Жумладан, мева-сабзавот сотиладиган учта савдо павильони қайтадан таъмирланди. Шунингдек, бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қиладиган ветеринария лабораторияси қурилиб, фойдаланишга топширилди, мол бозорида усти ёпик айвон биноси қад ростлади.

Ҳа, Каттакўрғон туман деҳқон бозори маъмуриятининг асосий мақсади бозорни энг қулай бозорлардан бирига айлантиришдан иборат. Зеро, халқимиз «Излаган имкон топади» деб бежиз айтмаганда. Айни пайтда бу йўлда қилинаётган сабаб-ҳаракат зое кетмапти. Шунга яраша жамоа фақат фойда қуриб ишлайпти.

Фазлиддин РУСТАМОВ, Улугбек ЖУМАЕВ.

Шингил қатрлар

МУРУВВАТ

Уч йил бурун илк кўламда яхши ният билан ҳовли саҳнига бир тўп шафтоли қучати экандик. Ҳовли тупроғи соз, ўзи кунгай бўлгани учун нисол биринчи йилдаёқ кўртқаб эзиб, баравқ ушди.

Қўтқарлар сурур, улқамизга фойз бағишлаб яна баҳор келди. Сулим табият кўчигада уйғониб бошланди. Қўлимда қўқ қайчи билан ҳовлидаги дархатларнинг шоҳларини бутаб тартибга келтириб юрардим. Шу пайт бирдан қизимнинг: — «Дада бунч қаранг, — деган товушини эшитдим. Уша шафтоли гулча чикариб гуллади.

Ана қўрлингми, она қизим, меҳнатимиз ерда қолмабди, — дедим унинг қувонига қувонқ қушиб. — Ахир бу гул мева бўлади. Қолаверса, бу табиятнинг, баҳорнинг бизга берган эҳсони ва мурувватидир.

КУКАТ СОМСА

Уша кезларда баҳор келди дегунча биз болаларнинг қўлимиздан халтача тўшмасди. Дала ариқ бўйларидан отқулқ, ялғиз териб келардик. Онам кепак унинг ялғизга қўшиб қотирма қилиб нон урнида ёпиб беришарди. Гоҳо, гоҳо ялғиздан картошка аралаштириб сомса қилардиклар. Ялғиз сомса бирим ширин, бирим тоғли бўлардик, еган сари яна егинг калаверарди.

Йиллар ўтди. Ўт, ялғиз сомса ейиш оиламизда одат бўлиб қолган. Ҳозир ҳам турмуш урғомим ҳар баҳорда икки-уч марта ўт, ялғиз сомса қилиб беради. Уша вақтларда ялғиз сомсани нон урнида ёб қийинчиликдан жон

сақлаган бўлсак, эндиликда уни дармондорисифатида истеъмол қилармик.

Ялғиз сомса одамга дармон бўлади. Тўйиб-тўйиб ёб олинглар, — дейди турмуш урғомим ҳозиргина тандирдан узилган, ёғ сурилган иссиқгина ялғиз сомсаларни савати билан олдимизга қўяр экан.

Мен саватдаги қукач сомсаларга тикилиб турарман уша оғир уруш йилларини, қаҳатчиликни, қилиб-қилинмайдиган меҳнатсевар онамни эслайман. Қўлимга бир дона қуқ сомсан олар эканман, димоғимга онамнинг хиди урилгандек бўлади.

СУМАЛАКЧИ АЯ

Маҳалламизда етмиш баҳорини ортда қолдиравтган Меҳри ая исмли онахон ашайди. Қўни-қўшинлар Меҳри аяни сумалакчи бўви ҳам дейишади. Чўки ҳар йили баҳор эшик қочиб келди дегунча Меҳри ая ҳаракатга тушиб қолади. Ўндириниша бугундай қўйди. Бугундай уруғи ундимиз аянинг ҳовлиси аёлларга, болаларга тушиб кетади. Дўшқозон оғибди, сумалак солинади. Кенқурундан эр талаб тоғи отгунга қадар аёллар қозон қовлашади. Ноншўта пайтида Меҳри ая ҳаммага сумалак улашади.

Сумалак совиқлик, аммо тансиқ таомлардан ҳисобланади. Шу босишдан сумалак қовлашда қанчадан қолчилар, аёллар икки-уч қўлаб уйкуга тўймай юришади.

Бундай қараганда бу ҳам миллий олатларимиз, сумалак баҳорини, қолаверса, Наврузнинг бизларга инъом этган таомидир.

Тургун ЖҲРАЕВ.



— Суюнчи беринг, эгизаклар туғилди...

ЙЎҚОЛГАН ХОТИН (ҲАЗИЛ)

Сотиббди бозор бориб
Хотинини йўқотди.
Сўнгра бир гўзал қизга
Астагина гап қотди:
— Синглим сиздан илтимос,
Аҳволимни тушуниб.
Ёлғондакам бўлса ҳам
Менга битта сузайлиб.
— Сизга қараб сузилсам
Нима содир бўлади?
— Қайда бўлса хотиним
Дарҳол етиб келади!

Юлдуз УСМОНОВА.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

● Кези келганда меъёрида йиғлаб туриш соғлиққа фойдалидир.
● Чалқанча ётганда босинқираш мумкин. Яхшиси, ёнбошлаб ётган маъкул.
● Шунинг унутмангки, чирмовуқ тутқаноққа да-водир. Уни 1–2 йил мобайнида чой ўрнида қай-натиб ичиш лозим.
● Ҳар кун озиқ-қўйма кук пиёз, кук саримсоқ пиёз, бош пиёзини хомлигича истеъмол қилиб юрган одам, бурун, ошқозон, милк, тиш, бавосир каби касалликларга қалинмайди.
● Оёқ панжаларининг устки қисми, панжа оралари қаттиқ қичишганда, чашма (душ)нинг қуй-майидиган даражадаги иссиқ сувиға тутиб туриб. Аввалига сув хуш ёқади, кейинроқ ачишиш бош-ланади, шунда сувға тутишни тўхтатиб. Бу осон арзон даволаш усулини тузалиб кетгунингизча даво эттириб.

хотинини қўрмаганман. Худодан топди.
— Гапингиз бўлса бориб қурганда зўига айтарсиз, — деди бош ҳақим масала бутунлай бошқа йўналиш олаётганидан қийиниб. — Биров сотмаса, маълумот бермаса, орган қаердан билади. Мана, Аслиддин Шамсиддиновнинг амакилар-ни тибди. Пул борагиларига қим олмасди? Яхши қарай-миз деб, дора-дармон деб, қон топиради деб, пул ола-миз. Органини аралаштирса, истаган касал қўлга туштира-ши мумкин. Ёки ушлатишга Аслиддин Шамсиддиновнинг қўрблари етишимиз? Ётади! Бир оғиз гаплари. Буларди шармандлик. Ҳалиям бизларни одамлар яхши. Шуням бола-чақиси бор, қасдлашиб юрарамми, деб илдаями кета-ди. Худо ҳоқ бандасининг бошига Бекбоевнинг кўнини со-лмасин. Таваба денг.

КИМГА

— Балнисамизни отиям ёмонга чиқиб қолди, — деди Абликулова афсусланиб.
— Узингиз биласиз, Бекбоева учун сал бўлмаса менам учиб қотардим, — Болта Тошавовчи ёйилиб керишди. — До-мак, бу кишини қабул қилармик?
— Уринбосар билан касабга уюшма қўмитаси раиси асли қаерданлигим, оилам, пойтахтдан нима сабабдан бу ёққа келганим, қанчадан бери ишлатганим тўғрисида сураб-суриштириб, мени ишга олишга розиликларини билдиришди. Ниҳоят, қисқаса масалалашув тўғрисида. Ҳаммамиз уринмиз-дан турдик.
— Сиз бош минутга қолинг, — деди Болта Тошавовч менга. Зухуров билан Абликулова чиқиб кетган яқиндаги стўлга утиришга ишора қилиб давом этди. — Аслиддин Шамсидди-новнинг телефон қилиб янгики гапимиз чала қолди. Нима деб турувдим.
Ҳа, мувоинимни айтаятудим. Фикри бузуқ, Қаранг, уч йиллик гапларни қўзғатиб тўқибди. Бирозлар қанча бадном бўлса, шунча қанча чоғ. Муттаҳам, Уйлақ мендан қуради, дедиди. Узингиз уйланг, Бекбоева ушлатишидан олдин маж-

Хангома

Бош ҳақим Болта Тешае-вичнинг айтишига қараганда, касалхонада стоматологга эҳтиёж ҳам, ҳоҳат ҳам йўқ экан. Лекин тоғамнинг гапларини икки қилибмагандан мени ишга олиши-ди.

— Назорат бошлигининг суҳбатини ерда қолдириб бўлмайди. Бизга кўп яхшиликларни утган. Бор тоғовим, кел тоғовим. Бошқа киши айтганда Оллоҳдан ваҳий келса ҳам олмасдим. Энди ишонччи оқлаксиз, — деди бош ҳақим диплом, меҳнат дафтарчами сиңчиқлаб қўздан кеңирайтиб ва ички телефон тўғмасини босиб ҳодимлар бўлими бошлигини чакриди. Зум утмай эшикдан кириб кел-ган ориқ, лаблари қалин, пешанаси кенг, юз-қўларига ҳафсала билан буюк чаплаган аёлга қараб. — Тешаева, бу кишини қабул қилиб. Бунуқ таъйинлар, — дед бош ҳақим аризманинг қўқорисига нимадир эзиб имзо чекиб узат-ди. — Манг, бўйсиз. Муовиним билан мекстмога айтинг, кирсин. Янаям оғзингиз очилиб, уларга бунч кўрсатиб қўяман.

Аёл чиқиб кетди.

— Раҳмат, Болта Тешаевич, — дедим миннатдорчилик билдириб.

— Қўрлингиз ука, бу ерда ҳамма ишни узим ҳал қила-ман. — Бош ҳақим бошқа биров эшитиб қолшишдан гумо-ни бордек овозини пастлади. — Йўли учун мекстком билан муовинимни чакридим. Булмаса гап қилиб юришарди. Энди бу ерда менинг одамимиз, Хўшёр бўлиб юринг. Айтиб қўй, муовинимнинг фикри бузуқ, зумдан жойимга куз олайтириб юрибди. Яна унга қўйишди.... — Суҳбатни қатор турган телефонлардан бирининг тўхтовисиз жингиллаши бўлиб қўйди. У нохос тоқ урган қишлоқ хўшёр тортиди ва гушакни олиб қўлгоғига, — ало-ло, дада, асалому алейкум, — деди юзларини бурштириб. — Ҳа, ҳа, Теша-евчан. Аслиддин Шамсиддиновчи, ака, сизми? — Гоша-ев гўв қўнғирқил қилган киши қаршисида тургандек бўлди. — Яхшимизиз ака? Янгам, укам, жияларим яхши юри-диларми? — телефонда гапиравтган кишини тинглаш да-асосида қиёфаси тундлашиб, қошлари қичиришди-да — уч кундан бери ёттибди, дейсизми? Ҳеч қим қилиб қўрмабди? Йўқ-ё, бир оғиз уларниям айтмайдиларми? Камтарликларини қаранг-а! Қон топиригиз дебдимиз? Муттаҳамин жонини оламан. Қон ҳам, дори-дармон ҳам топирамиз. Бутун кунни ташлашимиз. Узим назоратга ола-ман. Ҳозирқоқ бориб кураман. Сизга долаҳати қиламан,

бош ҳақим гушакни жойига қўйиб энгил тин олди ва менга қараб гарчи қўнғирқил қилган кишининг қимлигини билмасам ҳам — Аслиддин Шамсиддиновчининг ўзлари. Амақилари ёттибди. Қаранг, уч кундан бери ҳеч қим билмайди. Ҳозир бориб хабар олиб келай. Яна узлари келиб қолмасинлар. Сиз қабулхонада утириб туринг, — деди.

Тешаев стол четидан турган таометрини қўлтиғига қисти-риб, фанедосқонни бўйнидан утказиб олди ва қотибага қабул бўлимидагиларни чакриштириш, уринбосар билан касабга уюшмаса раиси кутиб туришини тайинлаб ҳовлиқанча ташқарига йўналди.

Орадан ҳамаси ярим соатлар утган бош ҳақим хузурида йиғилиш борар, ичкарида бўлаётган гап-сузлар эшик қияли-ги боис қабулхонага эшитилиб турарди.

— Мен сенларга неччи марта айтман, — дерди Тешаев жиги-боярини бўлиб. — Касалиқк варақаси тулдиравтганда қимлигини аниқланлар, менга билдириларлар, деб.

— У киши гапирмади, — аялнинг гуноҳқорона овози эши-тилди.

— Нима, ўзи мен фалончиёвнинг амакисини, десинми? Ахир фамилияси Фазлиддиновлигидан ҳам билмадигинизми? — дук урди бош ҳақим. — Фазлиддинов дегандан кейин гап-соз бўлиб Аслиддин Шамсиддиновч кимнингиз бўладилар, қарангиз-қарангиз эмаски, деб сурамакисизми? Бу-ларга гап сотиш бўлса, бас! Сиз ҳам бўлигимиздаги касал-лиқ қимлиги билан қизиқингиз керак эди, — назаримда Тешаев бу гапни ҳозиргина ўзи билан имза-кейин келган киши — бемор етган бўлим мудирига қарата айтаятганди.

— Уч кундан бери ориқ дастидан дод уриб ёттибдилар, лоақал фикрларига қарамдигинизми? — Бош ҳақим Теша-евчан, Аслиддин Шамсиддиновчи сира ёдимга туш-мабди, — деди у айдордек ўзини оқлаб.

— Сизлар шу! Мекстком, муовин қаёққа қарайди, билмай-ман! Бир гап бўлса бош ҳақим борда, жавоб беради, — Тешаев чўқур хуршиди. — иш қилиб қон-пон учун пул-мул сурамовдигинизми?

— Қон топирашасиз, бўлмаса бирор одамнингиз топиш-рин, дедик.

— Яна бир-икки кун ётса сурадингиз. Яхшиям олиб-тутиб қолмадилар. Булмаса бошимиз гавғодан қиммасди. Хайри-ят! Узларига бир оғиз айтиб қўй, — бош ҳақим телефон рақамларини теришга тўттинди шеклила қабулхонадаги па-ллетлар апарат узук-узук жингиллади. — Алло, Аслиддин Шамсиддиновчи, болаларми? Кимсиз? — Бош ҳақим Теша-евчан, узлари бир нарсани далаҳати қил, дедилар. — Ҳоч иложи йўқ?.. Кенгаш утказаяптиларми? Биз ҳам

топириқларини разбор қилармик. Булмасам, узингиз ай-тасизми? Илтимос, эзиб қўйинг. Бош ҳақим Тешаев. Сиз айтган ҳамма қамчиларни турғилибди, разбор қилибди-лар, кеңирим сурадилар, деб қўйинг. Ёздингизми? Ёздингиз-дан қимасин, укажон, Тешаев телефон гушакни қўйди. Бир муддат тин олган атрофдагиларга изох бериб, ёрдам-чиқари, — деди ва айна ҳовлидан тушиб пайт-насиқла-чилар. — Хўшёр бўлинглар! Бир одам бўлиб ишлайлик. Сиз хабардор бўлиб, начеку туринг. Қўчайтирилган режимида қарашни ташкил этинг. Аслиддин Шамсиддиновчининг ўзла-ри ҳам қилишлари мумкин. Келсалар дарҳол монга билди-расиз. Қоровулга ҳам айтиб қўйинг. Хўшёр турсин. Узим ҳам вақт топиб утаман.

Бош ҳақим хузуридан икки киши чиққан, қабулхонадаги қўнғирқил жингиллади ва Тешаев қотиб орқали мени ичка-рига тақлиф этди. — Утиринг, — деди буш қурсилардан би-рига ишора қилиб ва менга ёнидагиларини таништирди. — Уч киши уринбосарим Зухуров, бу киши проффозимиз Абликулова, путолка-путолка керак бўлса топиб беради-лар, — бош ҳақим оромқўрсига ястаниб жимиллади.

— Ҳали ишни бошламасдан путопка сурамасалар керак, — бош ҳақимнинг гапидан жиндаи оргинган Абликулованинг урнига Зухуров кесатикли жавоб қайтарди.

— Розилик берсангизлар ишчямни бошлайдилар, — деди бош ҳақ



ҲАР ТУНИНГ ҚАДР ЎЛИБОН, ҲАР КУНИНГ ЎЛСИН НАВРЎЗ...

Наврўз байрами — бу Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари халқларининг қадимий анъанавий янги йил байрамидир. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Наврўз байрами Ўрта Осиёда ислом дини қабул қилинмасдан анча илгари мавжуд бўлган.

«Наврўз» ибораси ҳам узининг тарихий шарҳига эга. Бобокалонимиз Абу Райхон Беруний узининг «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида бу хусусида шундай ёзди: «Олимларнинг баъзилари бу кунни «Наврўз» деб аташларининг сабаби шуки, Жамшид подшоҳ бўлган, маъжусийлар дини, яъни, оташпарастликни енгади ва бу иш амалга оширилган кун «Наврўз» — яъни, Янги кун деб аталган».

Олим узининг бошқа илмий таҳлилларида Наврўз хусусида фикр юритганида астрономик тамойилга амал қилади. Унда кўшнинг ҳамал буржиға кириши, кеча билан кундўзнинг баробар келиши йил боши сифатида белгиланади. Бу эски кўш йили ҳисобида фарвардан ойининг аввалига, яъни 22 март кунига, кеча билан кундўзнинг тенглашган вақти ва кундўзнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш, баҳорнинг бошланиш даврига турғи келиши қайд этилган. Аллома маъжус асарида Наврўз хусусида яна шундай ёзди: «Наврўз кунда бир соат (вақт) борки, шу соатда фирўз, яъни бахт фалакий руҳларни махлуқотни яратмишга ҳайдайди. У куннинг энг сadoқатли соатлари кўш соатларидир. Унинг тонгида ёруғлик имкон борица ерга яқинлашади, одамлар унга қарашлари билан узларни бахтли санайдилар». Олимнинг хабар беришича, Янги йил байрами фарвардин (март ойи)нинг олтинчи кунини, яъни катта Наврўзгача давом этган.

«Абдусамат ибн Алидан ривоят қилишларича, у ушбу ривоятни бобоси Абдулла ибн Аббосга олиб бориб тақайди, — деб ёзди аллома, — Наврўз кунини пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоху алайҳи Вассаламга саҳобалари ҳолва солинган кумуш жом ҳадя қилганлар. Шунда Расулulloх «Бу нима?» деб сураганларида нима, яъни, оташпарастликни енгади ва бу иш амалга оширилган кун «Наврўз» — яъни, Янги кун деб аталган».

«Наврўзнома» асарида ёзилганча, Наврўз байрамиди утказилишининг шохлар учун маъсус қонун ва қоидалари бўлган. Жумладан, уй-жойларни тозалаш, қўқат ва гуллар билан безаш ота-она, яқин кишилар билан дийдорлашиб келиш, марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилиш, мазорларни покчилаш, гина-қудратлардан фориғ бўлиш талаб этилган.

Сосоний подшоҳлари Наврўз байрамиди олти кунга тақсимлаб, олти кунда олти тоифа халқни қабул қилганлар ва уларга турли тортиқлар улашганлар. Энг асосийси, Наврўз байрами шарафига маъбўслар озод этилиб, уларнинг гуноҳларини авф этиш анъанага айланган.

Наршахийнинг «Сивёуш» қиссасида баён этилишича, янги йилнинг биринчи кунини Наврўзда эрта тонгда ҳар бир инсон Сивёушга ўз сadoқатини билдириш учун унинг қабри ёнида ҳўроз сўйиб қўрбоник қилган. Хитой тарихчиси Вэй-Цзе асарларида эса Наврўз кунларида ана шундай тадбирларни Самарқанд ва унинг теваарак-атрофидаги ҳудудларда амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилган.


Қадимги ақидаларга қура Наврўз албатта уйин-қулгу, шоду хуррамлик билан нишонланган. Шоирлар ижодида эса бу фасл ниҳоятда гузаллик билан қадрланиб ифодаланган. Шу жоиз бўлса керак шоир Фурқат бу фаслни:

Фасли наваҳор ўлди
кетибон энимистонлар,
Дўстлар ғаниматдир,
сайр этинг гулистонлар.
Субҳудам тушиб шабнам
бўлди сабазлар хуррам,
Гул уза томир кам-кам
ёғду абри найсонлар.
Настаран ювиб юзни,
ёсмон тузиб ўзни
Наргиз очибон кўзни
интизори ёронлар, —
деб баён этади.

Наврўз байрами Янги кун, Янги сезини нишонлашда ота-боболаримизда шундай бир ишонч бўлганки, агарда Наврўз айёми қанчалик хурсандчилик, инokлик, ҳамжихатлик билан нишонланса, охиригача шу йўсида давом этиши лозим деб билишган. Яратганга ҳамду санолар бўлсинки, миллий истиқлолимиз бизга миллий байрамимиз Наврўзи оламни яна янги мазмунда бойитган ҳолда қайтариб берди. Юртбошимизнинг раҳнамолиги билан умумхалқ байрамимизга айланди.

Иншооллох! Халқимиз фасли баҳорни ўз соғлом авлоди билан тинчлик, осийишлик билан бошлаб, XXI асрга турт мучали бут, бағри кенглик билан кириб боради.

Турғун ҳожи
ТОШПЎЛТОВ.



«ЎЗБЕКАВТОГАЗ»

ҳудудий бошқармаси

ғўзал диёримизда

истиқомат қилаётган барча

юртдошларимизни

НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан самимий қутлайди.

Ушбу қувончли кунларда

ҳар бир хонадонга

бахт-саодат, тинчлик ва

фаровонлик тилайди,

Ватан равнақи ва

гуллаб-яшнаши йўлидаги

яратувчилик ишларингизда

ҳамиша зафар

ёр бўлсин!

Мулоҳаза

МАЙСИЗ ДАВРА ФАЙЗСИЗМИ?

Кашфиётлар ҳақида гапирадиган бўлсам, уларнинг айримлари одамзодни қўл меҳнатидан озод этган, оғирини енгил, узоғини яқин қилган. Албатта бу жиҳатлар бизни ҳайратлантириб келди. Афсуски, кашфиётлар орасида инсон сadoқатини ва ҳаётига ҳавф соладиганлари ҳам бор. Бир қатор қуроллар ва бошқа инсоният тараққиёти учун кутку солувчи ихтиролар ҳақида гапирганда биз ҳар доим юрагимизни ҳовучлаб турамиз. Майини ҳам қайсида маънода кимдир кашф қилгани аниқ. Аммо бу кашфиёт ҳаёт тартибимизга зиён солса солаётгани, сира фойда бергани йўқ.

Бугунги кунда ароксиз суҳбатлар носамимийдек туюладиган бўлиб қолди. Хатто ароксиз дастурхонни фойзсиз, дея аташ одат тусини оди. Икки дўстининг учрашуви ҳам бир-икки ишанин думалашига сабаб бўлмоқда. Кичикроқ давра, тугилган кун, тўй маросимларини ичкиликсиз, майхўрликсиз ўтганини бирор киши кўрмаган. Мени таажжўлантирадиган масаланинг асли моҳияти бу эмас. Демократия, инсонийлик, кинфасизлик, ҳақоратчилик, оиласида, маҳалласида обрўсизланиб қолган одамларнинг шу куйга тушишига айнан ичкилик ва узларнинг иродасизликлари сабаб бўлмоқда.

Эрталаб ишга кетаётганим, бир киши мени тўхтатди. Оғиздан баёбўй вийонинг хиди аниқ турган, ёши эндигина 30 лардан утган бу йигитнинг муддасини дарҳол пайқадим.

— Ака, менга атиги 10 сўм бериб тура олмайсизми, — деди менинг кузларимга тик боқиб. Одатда одам бировдан қарз сураганда юзида хижолатлик аломатлари зоҳир бўладибу йу йигит эса тап тортимай, йўлининг уртасида мендан пул сураб турибди. Соҳ-соқоли ўтган, арти-ангори ваҳолатли бу одамнинг оиласи, фарзандлари, ота-ониси ҳақида кўп бор уйландим. Шу даражага етгунча маҳалладошлари уни инсофга қақаришмадимкин? Наҳотки, кўз ўнгимизда бўлиб турган ана шунча ҳўноқ ходисалар ҳеч биримизнинг юрагимизни «жаҳиллатмасми»? Биз хонадонларда рузгор деб, бола-чака деб ўзини утга, чуқур уриб юрган аёлларнинг «Ароқхўр эр дастидан дол!» деб чинқирганини кўп бор эшитганимиз. Аммо мийимизда қулиб қўяверганимиз. Маҳалла оқсоқоллари, зиёли одамлар, қолаверса дилида инсоний эътиқод собит одам борки, эл-юрт кўз ўнгиде баъод бўлаётган бўндай оила-лар тақдир билан қизиқиши керак. Ичкиликбозликка берилган икки оилани биламан. Уларнинг иккаласи ҳам серфарзанд. Аммо... не тил билан сузалайди, ҳар иккала оилада ҳам иккитадан ақли заиф фарзанд дунёга келган. Бу ҳам ароқхўрликнинг аянлиқ асорати эмасми? Бу нохушлиқлар наҳотки одамларнинг кўзини очмасми? Яқинда уша ароқхўрнинг бири оламдан кўз юмди. Маъракасида унинг ақли заиф угли, аммо на ота деб йиллаша қолди, на тобунинг бир чеккасини кутар олади. Фақат кузларидан шашқатор ёш оқади.

Тушликда шаҳримизнинг гавҳум ошоналарининг бирида тановул қилиб турган эдим. Ногоҳон эркаклар билан баробар май ичаётган аёлларга қўзим тушди. Бо ажаб, кузларимга ишонгим келмадики, «Дўстлигимиз учун» деб чуқиритиб, бир кутаришда ароқ синқирётган уша аёлнинг ўз нафар фарзанди бор. Нуфузли ташкилотда ҳисоби бўлиб ишлайди. Унинг эри ҳам «отадиганлардан». Энди уйлаб қуриш, фарзандлар тарбияси билан ким шуғулланади?

Фахриддин БОЗОРОВ.



—Мевасини набираларимиз ейди, кампир.

• Тадбир

СОҒЛОМ АВЛОД — БАХТЛИ КЕЛАЖАК

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги 6-ўрта мактабда «Элнинг ва ёшлар тағдирини шайлош» иди мунозара бўлиб ўтди. Унда ўқувчилардан ташкири, ота-оналар ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Мунозаранинг асосий иштирокчилари — ўқувчилар мавзу доирасида ўз билими, дунёқарашини ва илмийлашларидан келиб чиқиб, йигилганлар олдига турлича тарафда фикр-мулоҳаза юритар эканлар, уларда ҳар бир воқеа-ҳодисага соғлом нигоҳ билан қараш ва ватанпарварлик тўғриси қўйилганини ғўвоҳи бўлди.

Ўқувчилардан Жиянгул Аристонова, Ойисса Ганиева, Латофат Оқилова, Жўра Мирқаримов, Фотима Турдиева ва Комил Сиддиқовалар ҳам узларининг тегаран фикрлари билан йигилганларни ҳаёлотга солдилар. Улар, шўнингдек, бундан кўнра ҳам ХХ аср ёшларининг ақли ва маънан отқ инсонлар бўлиб қоллишига умид билдирилди.

Наврўз нафаси кезиб юрган ушбу кунларда утказилган мунозара шайланга улашиб кетди. Тадбир сўнггида суз олган ота-оналардан Дилдор Тошбоева, Дўно Эшматов, Комил Бўронбоева ва бошқалар фарзандларининг заковату маҳоратларидан мамунин бўлдилар ва устозларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Камолатдин ЮНУСОВ,
Эмилмурод АХМЕДОВ,
6-ўрта мактаб ўқувчилари.

Ҳуш бекатини

Еш врач отасига —
машхўр профессорга
деди: «Ун йил сезини
мижозингиз бўлган бир
аёлни даволадим.
— У даволаганинга ар-
зийди. Чўки сен унинг
пули тўғрисида олиий маъ-
лумот олгансан».

Бемор операциядан
олдин
таникли жарроҳдан
суради:
— Илтимос, айтинг-
чи, операция ҳавфли
эм?

Врач унга тасалли
бериб, деди:
— Хотиржам бўлинг!
Тулайдиган чакангизга
наҳотки мен ҳавфли
операцияни қилсам...

— Айтингчи, жаноб
доктор, мейннг ташхисим
қанақа экан?

— Хотиржамгиз кескин
пасайиб кетибди. Сўнгги
икки марта келганингиз-
да ҳақ тулашини унутиб
қўйибсиз.

Бугун врачлик фао-
лиятимда бир марта
катта хатога йўл қўйган-
ман.

— Қанақанги хато

экан? Бир миллионери
икки марта бориб
қўришмадмек тузатиб
юрборганман. Афсуски,
ушунда унинг миллион-
ер эканлигини билма-
ганман.

— Профессор, айтинг-
чи, сиз қандай қилиб
бунчақанги бойиб кетдин-
гиз?

— Жўдаям олдин йўл
билан: камбағалларни да-
воладим, бойларга эса
муолажа қилдим.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 2000 йил 10
март сониди эълон қилинган
«Халифа Усмон қўрғонин»
мақоласидида «Музейнинг мар-
казий залига, уша жаҳонгашта
машхўр халифа Усмон қўрғонин
қўйилган» жумласи — «Музей-
нинг марказий залига уша
жаҳонгашта машхўр халифа
Усмон қўрғонин нусхаси
қўйилган» деб ўқилин.

Қадриятларимиз

ЕТТИ ПУШТИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Халқимизнинг тафаккури ҳазинасидан ўрин олган мана шундай бир ҳикмат бор: етти бобо-
ни билган ер ости юртининг ғамини ер... Бу ҳик-
мат кўп асрлар давомида айтилиб, катта бир
ҳаёт ҳақиқатини, ўзбекона миллий қадриятла-
римизни ўзида мужассам этган. Бунга шубҳа
йўқ. Етти авлод, бу етти ота ва она. Ота ва она
томонлардан етти аждодимизни билмоқ таомил-
ларимизни, ўзимизни, ўзлимизни англамоқ
дегани. Ҳеч ўйлаб қўрганмисиз? Қизиқ, нега бу
рақам саккиз ёки тўққиз эмас, етти?

Кўпгина суҳбатдош қариялардан «етти ёт
бегона, марҳумнинг еттинисини утказдик, етти
пушти уста ёки деҳқон ёки қорвадор ёки
бўзчи утган, етти қунилик бола, етти қават
осмондаги муъжиза, етти кунда Аллоҳ ёруғ
оламни яратган» сингари қаломларни бот-
бот эшитиб турамиз. Ҳўш, етти рақамнинг
бу хилда кенг қўлланилишининг босми ни-
мада? Бу ҳақда аjoyиб тақдир эгаси, Хо-
вос туманидаги «Фарҳод» ширкатлар уюш-
масида яшаб, 85 ёшида орамиздан кетган,
асли баҳмаллик чуқувар Муҳаммади бобо
Бекназаровнинг айтган фикрлари,
бизгаонлиги ҳеч қайсикини бекфарқ қол-
диришса керак, деб уйландим. Мана унинг
сузлари: — Ҳар бир инсонга етти пуштини
билиш ҳам қарз, ҳам фарз. Мана, ўзимни
олайлик, етти пуштинини қафтиндаги
чириклардай биламан. Отамулла Бекназар-
ов утмишда қозининг қотиби бўлган, юрт
сураган, кейинги отамиз мулла Эшмат
деган утган. Сўрхондари ҳудудидан то Қўқон-
га бўлган қўлудда ўрмон қорувлибеге
бўлган, қўл хайрли ишларга бош-қўш бўлган.
У кишининг оталари Эштулак, кейингиси
Тоштулак, Ҳудойназар, еттинчи пуштада-
ри бузрукворимиз Очилид бобо утганлар.
Ўзимникилар 5 утил — Абдуллоим, Абдуазим,
Абдунасир, Абдулқалим, Ҳасанбой, Қўларим
— Тиллаҳон, Уроғул, Зўҳра, Бари уйл-жой-
ли бўлиб, узларидан тинчиб кетишган. На-
бираларим 45 нафар, чевараларим 32 на-
фар, бордини етти пуштининг 2 та шажара-
сини ҳам қўшиб ҳисобласам, 280 дан ортқ
чеваралар, 300 дан зиёд дуварлар борли-
ги маълум бўлади-қолади.

Яна шўнги ҳам айтиб қўяй, муҳбир экан-
сан, ёсанг эза қол, биз кетамиз, бу ёруғ
дунёга ҳаммамиз меҳмонимиз. Хатта ёзил-
гани эса абадий қолади. Етти муштинини
билмабсан, ёруғ дунёда ашамабсан, дей-
ишган бизнинг замонда. Баҳмалликлар бу
ҳақиқатни (тоғ халқи эмасми) чуқур тушуни-

шади, бот-бот чевара, зва-
раларини сураб-суриштириб,
қўлоқларига қўйиб туришади.
Ҳўш қўқчилик бу анъанани
унутган қурилади. Олий маъ-
лумотли агроном ёки ўқитув-
чи ўз авлодини билмаса, ил-
дизидан айрилган дарахтдай
гап.

Муҳаммад бобо ҳақ гапни
айтди. етти авлод-аждодлар-
ни билиш ҳам боболар бо-
сиб утган йўлга, қўна тарих-
га, она юртга иззат-аҳтиром
рамзи деган гап.

Ота-боболаримиз қарин-
дош-уруғчилик қилишда,
қўйишда ҳам авлод-аждодларини
суриштирилган.

Учурлар, қўн қутишлар, нифокларнинг
олди оллинган. Бордини, етти авлодини бил-
маганлар бўлса сен «манкуртсан», билар-
га бегонасан, дейишган, ҳақоратга қўйиш-
ган. Етти авлод шаҳарасига еттинчи ав-
лод-аждод буткул бегона ҳисобланган. Ти-
лимиздаги «етти ёт бегона», «еттита му-
софир» ибораси шу тахлитда оғзаки
нутқимизга кириб келган. Саккизинчи ав-
лод эса бутунлай «ғирт» бегона» ҳисоб-
ланган. Бир отадан бошланган фарзанд-
лар еттинчисиғақа қавм-қариндош ҳисоб-
ланиб келинган. Булар еттига — ота, фар-
занд, неварра, чевара, эвара, овора, бего-
на, деб аталади. Ана шу охири «бегона»дан
пайдо бўлганлар қариндошлиқдан маҳрум
қилинган.

Ҳўш, ҳақли савол туғилади: еттинчидан
илмий-назарий асослари борми? Маълумки,
узқок утмишда вақт тушуничаси етти
рақами билан изохланиб келинган. Ой,
Кўёш, Муштарий, Миррих, Зўҳра, Моруд,
Юпитер — етти узғарувчи сайерага қара-
либ, вақт бирлиги — ҳафта яратилган. Шу
тарзда ўрмондаги, саҳродаги йўловчи етти
оғайни, етти қароқчи шўъласига қараб,
узига йўл топган. Шу тариха вақт улчови
бирлиги мезонлари етти кундан, ҳафтада
етти пуштингача қўзилган. Етти пушт,
авлод вақт билан боғланиб келинган
ривожланишининг маъсумоти бўлиб, бугун-
ги кунларгача етиб келган. Етти авлод ту-
шуничасининг диний таълимоти ҳеч бир
алоқаси йўқлиги аллақачонлар илмий да-
лиллалар ила исботланган.

Муҳаммад МЕЛИҚУЗИЕВ.



АДОЛАТ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат»
СДП Сийсий
Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий
жамоаси.

Бош

муҳаррир:

Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували
ҒУЛОММАХМУДОВ, Улғубек ДОНИЕРОВ, Анвар
ЖУРАБОВ, Акмал КОСИМОВ, Тўхтамурод
ЖУРАЕВ, Рустам АХМАДАЛИЕВ, Акбархўжа
РАХИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Равшан
ХАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ, Дилмурод
КИРГИЗБОВЕВ.

Мулоқот учун

телефонлар:

Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар
бўлими — 136-55-64.
Эълонлар бўлими:
136-55-96.

Навбатчи —
Саъиддин САЙДИСЛОМОВ.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 140.
Буюртма Г— 217,
ҳажми—2 табоқ. Офсет
усулида босилган.
Қўғоз бичими А—2

Газета IBM
компьютериде
терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар
учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.
Қўғазлар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,
Қорқона маҳалласи: «Бўёқ Тур» кўчаси, 41.

Босилиш тегишириш вақти—20.00. Босилиш тегишириш вақти 18.00.

МАНЗИЛИМИЗ:
700407, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси-32.